



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона шаҳар Симтепа МФЙ худудида яшовчи аҳолини оқава суви тармоқларини янгилаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Оқава сув бўйича

Фарғона шаҳар Симтепа МФЙ аҳолисини оқава сув тармоқларини янгилаш учун уланиш нуқтаси 1. Симтепа МФЙ Ватан Равнақи кўчаси худудидан ўтган Д-500 ммли материали Ж/Б бўлган оқава сув тармоғига лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларга асосан Чаманзор кўчасига узунлиги 0,1 км оқава сув тармоғини янгилаш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Фарғона шаҳар бўлими раҳбари:

С.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:

И.Хасанов